

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шў жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Нукус шаҳри.

“25” Январи 2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Қорақалпоқстан Республикаси филиали номидан 2021 йил 30.12 даги № 27-01-14/6014 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК ҚР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Нукус шаҳар Абодоншоҳтириши номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Т.Халқназаров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таслифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузди;
- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцентини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига каъбий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чараларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари таътиб этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашишда Абонент тўлови 100% (бир юз) фоз миқдорида олдиндан тўлинилади, дастлабки аванс тўловни олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасини (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда)

360000 (уч юз олтинчи миң) сўм ни ташкил этади.

Ушбу сумма 120000 (бир юз иккизми миң) сўм миқдоридаги Абонент тўлови

миқдордаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортинча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмалигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаеса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни иштиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қуриловишда реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан этилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун) иш кун** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилмаган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-юқчиқ билидида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг биланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундши мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мизкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мизкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолатларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таълиф кўринишидаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуший қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қалар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қалар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта аяцентини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганилиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тулиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъенс ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ун) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан таъеликлигига бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома дивалэт тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АК Қорақолғонистон Республикаси филиали Манзил: г. Нукус ул. Карақалмақнинг №7 Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838428 СТИР: 203366731 МФО: 00401; АТБ "Алоқабанк" ОКЭД: 61100 Тел: иш(61)224-6248; тел (61) 222-1475 дебитор(61) 222-14 33 факс (61) 222 68 13</p>	<p>Илова қилинган с. Нукус ул. Сергеев АБОНЕНТ: 228-50 П/С 10002286035401706510010002 Манзил: отд. Казна Нукус МФО: 0001 :112 Банк маълумотлари: х/р: Р/С 2340 20 :1001 СТИР: Центр С :112 МФО: ИНН: 2 :112 Тел: :112 E-mail: :112</p>
<p>Оператор номи:  /ИМЗО/ К.Е.Таженов.</p>	<p>Абонент номи:  /ИМЗО/ Т.Халқ Назаров Ф.И.Ш.</p>
<p>М.П.</p>	<p>М.П.</p>

Подключить / Улаш:

1. Услуги сети передачи данных / Ma'lumotlarni uzatish tarmog'i xizmati

Технологии / Technologiyalari	ADSL <input type="checkbox"/> VDSL <input type="checkbox"/> FTTB <input type="checkbox"/> GPON <input type="checkbox"/>
Опорный номер телефона / Telefon tayanchi raqami	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	MODEM <input type="checkbox"/> STB <input type="checkbox"/> Другое _____ Собственное оборудование / Shaxsiy uskuna <input type="checkbox"/>
Услуги / Xizmatlar	Internet <input type="checkbox"/> IPTV <input type="checkbox"/> VoIP <input type="checkbox"/> VPN <input type="checkbox"/>
Тарифный план / Tarif rejasi	

2. Услуги мобильной связи / Mobil aloqa xizmatlari

Абонентский номер / Abonent raqami	
Тарифный план / Tarif rejasi	
Номер SIM карты / SIM karta raqami	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	SIM карта/karta <input type="checkbox"/> RUIM карта/karta <input type="checkbox"/>
Доступ к МГ / Shaharlararo qo'ng'iroqlar <input type="checkbox"/>	Ожидание/удержание / Kutish/ushlab turish <input type="checkbox"/>
Доступ к МН / Xalqaro qo'ng'iroqlar <input type="checkbox"/>	Служба коротких сообщений(SMS) / Qisqa xabarlar xizmati <input type="checkbox"/>
Переадресация / Qo'ng'iroqlarni boshqa raqamga yo'naltirish <input type="checkbox"/>	Мобильный интернет / Mobil internet xizmati <input type="checkbox"/>
Конференцсвязь вызова / Konferens-aloqa <input type="checkbox"/>	Определитель номера / Raqamni aniqlash xizmati <input type="checkbox"/>

3. Услуги телефонии / Telefoniya xizmatlari

Перечень абонентских номеров выделенных абоненту / Abonentga ajratilgan abonent raqamlari ro'yhati	ТА - 11117
Дополнительные виды обслуживания (ДВО) / Qo'shimcha xizmatlar ro'yhati	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	Телефонный аппарат / Telefon apparati <input type="checkbox"/> Факс / Faks <input type="checkbox"/> Персональный компьютер / Shaxsiy komp'yuter <input type="checkbox"/>
Обслуживание до: / Xizmat ko'rsatish:	Оконечного устройства / Abonent qurilmasigacha <input type="checkbox"/> Здания / Binogacha <input type="checkbox"/> Ведомственной АТС / ATC idorasigacha <input type="checkbox"/>
Прямые провода / To'g'ri simli aloqa	Количество / Miqdori _____ Номера / Raqamlar _____
Соединительные линии / Ulanadigan liniyalar	Количество / Miqdori _____ Направление / Yo'nalishi _____
Количество параллельных устройств / Parallel uskunalar miqdori	
Протяженность абонентской линии (км) / Abonent liniyasining uzunligi (km)	

4. Услуги Дата-центр / Ma'lumot-markazi xizmatlari

Услуги / Xizmatlar	Хостинг / Hosting <input type="checkbox"/> Колокейшн / Kolokeyshn xizmati <input type="checkbox"/> Видеонаблюдение / Videokuzatuv <input type="checkbox"/> Другое _____
Тарифный план / Tarif rejasi	

Абонент / Abonent

Т. Халкназаров
Ф.И.О.

(подпись)